


НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ФАРМОН ВА ИЖРО

Мамлакатимизда муқобил, яъни қуёш, шамол, биогаз энергиясидан фойдаланиш кўламининг тобора кенгайиб бораётгани иқтисодиётимизнинг изчил ривожланишини таъминлаш, энергия таъминотининг барқарорлиги, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг ошиши, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.



МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ: қонун ишлаб чиқилмоқда

Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазкур йўналишдаги кенг қамровли тадқиқот ишларида муҳим омил бўлаётир.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда Экоҳаракатнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси ҳамкорлигида “Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш: қонунчилик асослари ва миллий тажриба” мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида шулар ҳақида гап борди.

Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси С.Сангинов ва бошқалар мамлакатимизда муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасида соҳа изчил ривожланаётганини таъкидлади. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан, аввало, қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш борасида салмоқли тажриба тўпланди. Фанлар академиясининг “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилаётган тадқиқотлар жаҳон миқёсида ҳам эътирофга сазовор бўлаётир.

Давлатимиз раҳбарининг номи қайд этилган Фармонига мувофиқ муқобил энергия соҳасининг тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга илмий потенциални янада ривожлантириш мақсадида “Физика-Қуёш” ИИЧБ негизида Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари иштирокида Тошкент шаҳрида Халқаро қуёш энергияси институти ташкил қилиниб, мазкур йўналишда кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, муқобил энергия манбалари ишлаб чиқарувчилари ҳамда фойдаланувчиларига солиқ ва божхона имтиёзлари бериш юзасидан қонун

ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда соҳанинг жадал ривожланиши учун “Муқобил энергия манбалари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда.

Қайта тикланувчи энергия турларидан фойдаланиш ва уларни жойларда жорий этиш Экоҳаракатнинг асосий фаолият йўналишларидан бири бўлиб, 2009-2013 йиллар мобайнида мамлакатимиз ва халқаро жамғармалар грантлари ҳисобига экологик беқарор ҳудудларда, жумладан, Оролбўйида 10 дан ортиқ қайта тикланувчи энергия қурилмалари ўрнатилди. Хусусан, парламент қуёш палатаси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грантлари ёрдамида Жиззах вилоятининг Фориш туманида фермерларнинг мазкур йўналишда назарий билим ва амалий кўникмаларини бойитиш учун ўқув марказига асос солинди. Жорий йилда мазкур фонднинг гранти асосида “Қуёш Амурар” давлат биосфера резервати ҳудудида қуёш фонари ўрнатилди. Шунингдек, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маҳаллий жамғармаси гранти асосида қайта тикланувчи энергия манбаларининг ресурс маркази ташкил қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, тадбиркорлик субъектлари вакиллари, олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда бу йўналишда олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш ва кўламини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда соҳани ривожлантиришнинг Миллий стратегиясини ишлаб чиқиш, махсус давлат дастурлари яратиш, таълим масканларида малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳақида фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



«ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ» АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ЯНГИ МАРКАЗ

Вазирлар Маҳкамасининг 16.09.2013 йилдаги 250-сон қарори билан Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузурида иккита марказ: “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Иккала муассаса ҳам давлат муассасалари шаклида ташкил этилади.

Қарорга мувофиқ “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази қуйидагилар учун масъул этиб белгиланди:

мазкур тизимни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг стратегик йўналишларини, шу жумладан жаҳон тенденцияларини ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил ва тадқиқ қилиш асосида ишлаб чиқиш;

“Электрон ҳукумат” тизимини шакллантиришда давлат органларида қўлланиладиган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва интеграциясининг келишилган механизмини ҳамда тизим лойиҳаларини амалга оширишнинг норматив-методик таъминотини ташкил этишни назарда тутувчи ягона технологик ёндашувни таъминлаш;

давлат органлари фаолиятининг функционал ва операция жараёнларини тизимли қайта ташкил этишни амалга ошириш, давлат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бизнес жараёнларни бошқаришни мақбуллаштириш, такомиллаштириш ва инновацион механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

“Электрон ҳукумат” тизимини самарали жорий этиш учун амалдаги норматив-ҳуқуқий базани мақсадли таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда тизимни жорий этиш ва ривожлантиришга оид бошқа чора-тадбирлар.

Шунингдек мазкур Марказга давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жалб этиладиган, “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш ва ривожлантириш лойиҳаларини ҳамда тадбирларини амалга оширишни молиялаштиришга йўналтириладиган беғараз техникавий кўмак (грантлар)дан, халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитларидан фойдаланиш бўйича масъул мувофиқлаштирувчи ваколати юкланди.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш доирасида ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш;

ахборот хавфсизлигига ҳозирги вақтдаги таҳдидлар тўғрисидаги маъ-

лумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тўплаш, “Электрон ҳукумат” тизими ахборот тизими, ресурслари ва маълумотлар базаларига ноқонуний кириб олиш ҳолатларининг олдини олишни таъминлайдиган ташкилий ва дастурий-техник ечимларни самарали қабул қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Интернетнинг миллий фойдаланувчиларини Интернет тармоғи миллий сегментида ахборот хавфсизлигига пайдо бўлаётган таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

қонун бузувчиларни таҳлил қилиш, идентификациялашда, ахборотлар маконидаги рухсатсиз ёхуд бузувчи ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланиладиган методлар ва воситаларни таҳлил қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш;

телекоммуникациялар тармоқларининг операторлари ва провайдерлари билан ҳамкорлик қилиш, давлат органларининг компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасидаги қонун бузилишларининг олдини олиш масалалари бўйича биргаликдаги ишларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқалар.

Марказлар фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техника таъминоти тасдиқланган смета доирасида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш фонди маблағлари ҳамда халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг беғараз техникавий кўмаги (грантлари) ҳисобига амалга оширилади. Шу муносабат билан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, халқаро молия институтларидаги Ўзбекистон Республикасидан бошқарувчиларга манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда донор мамлакатлар, халқаро ва хорижий ҳукумат ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан юқорида айтиб ўтилган мақсадларга маблағларни жалб этиш масалалари бўйича ишларни фаоллаштиришлари топширилди.

Бундан ташқари, марказларга ҳўжалик фаолияти билан шуғулланишга рухсат этилган, ушбу фаолиятдан ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолиятлардан келиб тушадиган маблағлар манбаларини ҳам асосий фаолиятларини молиялаштиришга йўналтиришлари лозим.

Қарор билан мазкур муассасаларнинг тузилмалари ва чекланган ходимлар сони, уларни жойлаштириш ўринлари тасдиқланган. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига марказлар уставларини ишлаб чиқиш ва тасдиқланишини таъминлаш ҳамда уларга зарур мутахассисликдаги малакали кадрларни ишга жойлаштириш вазифаси юкланди.

1-бетда

ЯНГИ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯНИНГ
МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 16.09.2013 йилдаги 253-сон қарори билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига ЎзР ТИФ Миллий банкидаги махсус валюта ҳисобрақаида авиаташув хизматларини амалга оширишдан келиб тушган, мажбурий сотиладиган валюта тушумларини жамлашга истисно тариқасида рухсат этилди. Мазкур валюта маблағлари Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ҳаво кемаларини паркинни янгилаш ва модернизациялашга жалб этилган кредитларни сўндиришга йўналтирилади.

Бу чора-тадбирлар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК молиявий барқарорлигини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки орқали молияланадиган чет эл банклари кредитларини, шунингдек ваколатли банкларнинг кредитларини ўз вақтида сўндириш мақсадида қабул қилинди. Шу билан бирга авиакомпанияларга Президентнинг «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (26.03.2012 йилдаги ПҚ-1731-сон) 6-бандида келтирилган имтиёзлар татбиқ этилади. Айнан, 2012 йил 1 апрелдан бошлаб янги қурилиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва технологик янгилашга валюта кредитлари бўйича асосий қарзни қайтаришга жорий тўловлар бўйича йўналтириладиган валюта тушуми қисмини ваколатли банкларга мажбурий сотишдан асосий қарз батамом тўлаб бўлинадиган муддатга қадар озод қилинди.

Шунингдек «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ҳисобот чораги мобайнида сўндирилиши лозим бўлган, Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб этилган кредитлар бўйича мажбуриятлар тўлиқ ижро этилганидан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда валюта тушуми қисмини ваколатли банкка мажбурий сотишни йўлга қўйишга рухсат этилди.

СУД БОШҚАРУВЧИЛАРИНИНГ
ТЕСТ ИМТИҲОНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ
МУДДАТЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори (АВ томонидан 18.09.2013 йилда 1581-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Суд бошқарувчиларининг аттестация комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди.

Суд бошқарувчиси сифатида фаолият юритиш учун аттестат мавжуд бўлиши лозимлигини эслатиб ўтамиз. Аттестация жисмоний шахсларнинг суд бошқарувчиларига

ЭЪЛОН

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2013 йил 17 сентябрдаги 315-аф-сонли буйруғига асосан «ARHAT-AUDIT» масъулияти чекланган жамиятига 2008 йил 6 февралда берилган 00649-сонли лицензиянинг амал қилиши 2013 йилнинг 17 сентябридан тугатилади.

М.МИРЗАЕВ,
Молия вазири ўринбосари.

нисбатан қўйиладиган малака ва касбий талабларга мувофиқлигини белгилаш мақсадида ўтказилади. Тест имтиҳонларини ўтказиш тартиби Давлат рақобат қўмитаси томонидан белгиланади. Аттестация комиссияси жисмоний шахсларни суд бошқарувчиси аттестатини олиш учун аттестациядан (қайта аттестациядан) ўтказишни бевосита амалга оширувчи коллегиял орган ҳисобланади.

Қабул қилинган ҳужжат билан қарздор корхоналар санацияси масалалари билан шуғулланувчи тузилма номи ўзгартирилди. Шундай қилиб, аттестация комиссиясини унинг раиси, Давлат рақобат қўмитаси раисининг ўринбосари ва бир вақтнинг ўзида Иқтисодий но-чор корхоналарни соғломлаштириш ва қайта таркиблаш бош бошқармаси бошлиғи лавозимини эгалловчи шахс бошқаради (илгари бу бўлиμμα иқтисодий но-чор корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳолини таҳлил қилиш ва қайта таркиблаш бошқармаси деб номланарди).

Комиссиянинг ишчи органи бўлган Давлат рақобат қўмитасининг банкрот корхоналарни тугатиш ва суд бошқарувчилари фаолиятини назорат қилиш бўлими бошқарма мақомини олди.

Бундан ташқари, суд бошқарувчилари аттестати кузатувчиларидан тест имтиҳонлари ҳар ойнинг биринчи сешанба ва пайшанба кунлари қабул қилинади. Комиссия раисига зарурат бўлганда қўшимча кунларни белгилаш ҳукуқи берилди.

ҲИСОБ-КИТОБ НОМИ
ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИГА
МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

Молия вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 18.09.2013 йилда 1901-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Дивиденд тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди.

Маълумки, Низомга мувофиқ 2009 йил 1 январдан 2014 йил 1 январгача жисмоний шахслар – микрофирмалар ва кичик корхоналар муассислари томонидан ҳамда юридик шахслар томонидан олинган дивиденд тарзидаги даромадларнинг капиталлашувга, инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтирилган қисми солиқ солишдан озод этилади.

Низомга мувофиқ белгиланган юридик шахсларга тўланган дивидендлар бўйича имтиёзларни қўллаш тартибига кўра улар Юридик шахслардан олинган фойда солиғи ҳисоб-китобини топшириладиган муддатларда рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига дивиденд тарзида олинган ва тўлов манбаида солиқ солилмаган маблағлардан фойдаланиш тўғрисида ҳисоб-китоб тақдим этиладилар. Айтиб ўтилган ҳисоб-китобнинг шакли Низомга 2-иловада келтирилган. Бундан буён киритилган ўзгартиришларга мувофиқ юридик шахслар мазкур ҳисоб-китобни Юридик шахслардан олинган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҳисоб-китоби топшириладиган муддатларда тақдим этиладилар.

Мазкур ўзгартириш Низомнинг Президентнинг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (16.07.2012 йилдаги ПФ-4453-сон) ҳамда МВ ва ДСҚнинг «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (АВ томонидан 22.03.2013 йилдаги 2439-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқлашувига олиб келди.

Юқоридаги Фармоннинг 3-илоvasи 1.2-бандига мувофиқ Президентнинг ПФ-4453-сонли Фармонининг давлат статистика, молия, солиқ ва ҳисоботнинг бошқа турлари сонини белгиланган муддатларда уларнинг бир-бирига ўхшаш шакллари соддалаштириш ва бирлаштириш ҳисобига қисқартириш, шунингдек уларни тақдим этиш даврийли-

ги талабларини ҳисобга олган ҳолда Юридик шахслардан олинган фойда солиғининг ҳисоб-китоби ҳамда Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҳисоб-китоби битта солиқ ҳисоботи шаклига бирлаштирилди.

Шуни эслатиб ўтамизки, Солиқ кодексининг 163 ва 300-моддаларига мувофиқ Юридик шахслардан олинган фойда солиғи ҳамда Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҳисоб-китоби солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисобидан турган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Қарор 23.09.2013 йилдаги 38 (590)-сон «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»да расман эълон қилинган кундан кучга киради.

ПУДРАТ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИ
КРЕДИТЛАШ ТАРТИБИГА ТУЗАТИШ
КИРИТИЛДИ

Иқтисодий вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг қарори (АВ томонидан 20.09.2013 йилда 1358-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Марказлаштирилган молиялаш манбалари ҳисобидан объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишни амалга оширишда пудрат қурилиш ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди.

Шуни эслатиб ўтамизки, мазкур Низомга мувофиқ танлов савдоларининг ғолиблари бўлган, марказлаштирилган молиялаш манбалари ҳисобидан объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишни амалга ошираётган, шунингдек суғурта компаниялари билан қурилиш объектини суғурталаш шартномасини тузган пудрат қурилиш ташкилотлари кредитланиши керак. Объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишни амалга ошириш усули пудрат қурилиш ташкилотининг лойиҳа ҳужжатларида кўзда тутилган ишларнинг бутун ҳажмини, шу жумладан махсус ва ишга тушириш-созлаш ишларини, объектни технологик ва муҳандислик ускуналари билан бутлашни бажариш бўйича мажбуриятини назарда тутади.

Низомга киритилган ўзгартиришлар кредит олиш учун зарур ҳужжатлар рўйхатига ҳам дахл қилди. Бундан буён дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳақидаги маълумотнома (2-сон шакл) талаб қилинмайди. Бухгалтерия баланси (1-сон шакл), 90 кундан кўп бўлган қарзга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл) кичик тузатишлар киритилган ҳолда илгаригидек қолдирилди. Давлат солиқ инспекциясининг маҳаллий (туман) органлари томонидан тасдиқланган сўнгги ҳисобот даврига бўлган баланс нусхаси ўрнига потенциал қарз олувчи рўйхатга олинган жой бўйича давлат солиқ инспекциясининг балансни қабул қилиш тўғрисидаги белгиси мавжуд балансни банкка топшириш лозим.

Шунингдек, киритилган ўзгартиришларга мувофиқ кредитларни сўндириш ва фоизларни ундириш илгаригидек кредитни қайтариш муддати бошланганидан кейин, илгари назарда тутилганидек, 2012 йил 15 мартдан ўз кучини йўқотган, АВ томонидан 30.01.1999 йилда 615-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқномага мувофиқ эмас, балки Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 2342, 15.03.2012 йил) белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни
эксперт-юристамиз Елена ЕРМОХИНА
тайёрлади.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҮЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ,
ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	30.09.2013	1	0,7845	1	1,0593	1	0,0243
Арманистон	28.09.2013	1	405,06	1	546,43	1	12,49
Беларусь	1.10.2013	1	12260,00	1	9090,00	1	280,50
Грузия	30.09.2013	1	1,6644	1	2,2474	100	5,1458
Қозоғистон	30.09.2013	1	153,62	1	207,56	1	4,73
Қирғизистон	1.10.2013	1	48,6561	1	65,6784	1	1,4979
Латвия	1.10.2013	1	0,521000	1	0,702804	1	0,016100
Литва	1.10.2013	1	2,561	1	3,4528	1	0,078801
Молдова	30.09.2013	1	12,9503	1	17,4888	1	0,3995
Россия	1.10.2013	1	32,4839	1	43,8143	—	—
Тожикистон	30.09.2013	1	4,7685	1	6,4806	1	0,1500
Украина	30.09.2013	100	799,3000	100	1082,0124	10	2,4712
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 1 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари.....	2003,56	1 Польша злотийси	688,98
1 Англия фунт стерлинги.....	3479,32	1 СДР	3299,00
1 Дания кронаси.....	389,86	1 Туркия лираси	1056,24
1 БАА дирхами	586,05	1 Швейцария франки.....	2378,99
1 АҚШ доллари.....	2152,51	1 ЕВРО.....	2910,36
1 Миср фунти	312,33	10 Жанубий Корея вони	20,03
1 Исландия кронаси.....	17,79	10 Япония иенаси	219,62
1 Канада доллари	2089,82	1 Россия рубли.....	66,55
1 Хитой юани.....	351,82	1 Украина гривнаси.....	269,30
1 Малайзия рингити	660,89		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

УШБУ
СОҶДА

● **ФАРМОН ВА ИЖРО**
- Муқобил энергия;
қонун ишлаб чиқилмоқда
● **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ**
ЯНГИЛИКЛАР

1-бет

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси
● **ҲИСОБОТГА**
ТАЙЁРЛАНАМИЗ
- 2013 йилнинг тўққиз ойи учун

1-2-бетлар


ЖШДС, ЯИТ ва суғурта бадаллари
бўйича ҳисобот шакллари
тўлдиришга доир тушунтиришлар
● **АМАЛИЙ ТАКЛИФ**

3-6-бетлар

- Оммавий оферта
● **БИЗНИНГ МАСЛАХАТЛАР**
- Ёрдамчи хўжаликдан солиқ
тўлаймизми?
8-бет

7-8-бетлар

8-бет



2013 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИ УЧУН ЖШДС, ЯИТ ВА СУҒУРТА БАДАЛЛАРИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИНИ ТЎЛДИРИШГА ДОИР ТУШУНТИРИШЛАР*

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ ҳисоботининг шакллари¹ қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотлар (бундан кейин - *Маълумотлар*);

Маълумотларга 1-илова – “Жисмоний шахсларга тўланган даромадлар ва ўтказилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда ШЖБПХга бадаллар суммаларининг расшифровкаси (бундан дивидендлар ва фоизлар мустасно)” (бундан кейин - *Маълумотларга 1-илова*);

Маълумотларга 2-илова – “Тўланган дивидендлар ва фоизлар ҳамда ўтказилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаларининг расшифровкаси” (бундан кейин - *Маълумотларга 2-илова*);

Маълумотларга 3-илова – “Жисмоний шахсларга

ҳисобланган даромадлар расшифровкаси” (бундан кейин - *Маълумотларга 3-илова*);

Маълумотларга 4-илова – “Жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод этилган даромадлари расшифровкаси” (бундан кейин - *Маълумотларга 4-илова*).

3 ва 4-иловалар йил давомида тақдим этилмайди, - улар ДСИга фақат йил якуни бўйича йиллик Маълумотларга қўшиб тақдим этилади. Шу сабабли солиқ тўловчилар 2013 йилнинг тўққиз ойи учун 25 октябрдан кечиктирмай солиқ органларига фақат Маълумотларни ва уларга 1 ва 2-иловаларни тақдим этишлари лозим.

Қуйида 2013 йилнинг 9 ойи учун ЖШДСга доир шаклларни тўлдириш бўйича тушунтиришлар келтирилади. Маълумотларда айрим кўрсаткичларни акс эттириш учун 1 ва 2-иловаларнинг маълумотларидан фойдаланилади, шу сабабли аввал мазкур иловаларни тўлдириш керак. Бизнинг тавсияларда тушунтиришлар изчил равишда берилади - аввал Маълумотлар, сўнгра уларга иловалар.

ҲИСОБЛАНГАН ВА АМАЛДА ТЎЛАНГАН ДАРОМАДЛАР СУММАЛАРИ ҲАМДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИНИНГ УШЛАБ ҚОЛИНГАН СУММАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

001-сатрда ҳисобот йили бошидан даромадлар олган жисмоний шахсларнинг умумий сони кўрсатилади. Мазкур сатрда даромадлар олган барча жисмоний шахслар, ушбу даромадлар асосий ёки асосий бўлмаган иш жойида, тўлиқ ишланган ой ёки бир неча кун учун тўланганидан қатъи назар, ҳисобга олинади.

002-сатрда 001-сатрдан асосий иш жойида даромадлар олган жисмоний шахсларнинг сони ажратилади. Иш

берувчи ходимнинг меҳнат дафтарчасини юритадиган иш жойи асосий иш жойи ҳисобланади (*Солиқ кодексининг (бундан кейин - СК) 22-моддаси*).

003-сатрда 001-сатрдан асосий бўлмаган иш жойидан даромадлар олган шахслар сони ажратилади. Бу ерда ташқи ўриндошлар, мулкӣ ва бошқа даромадлар олувчи фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишловчи шахслар кўрсатилади.

¹МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 22.03.2013 йилда 2439-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига 2-илова.

Мазкур тушунтиришлар “Norma Ekspert” мутахассисларининг эксклюзив ишланмаси саналади. Уларни қайта босиш, шу жумладан электрон ОАВларда қайта босишга “Norma” газеталари бирлашган таҳририяти” МЧЖ ёки “Norma Ekspert” ХКнинг ёзма рухсатномаси билангина рухсат берилади.

*2013 йилнинг I чораги учун ҳисобот шакллари тўлдиришга доир тушунтиришларни “СБХ”нинг 16.04.2013 йилдаги 15 (975)-сонидан, I ярми учун “СБХ”нинг 16.07.2013 йилдаги 28 (988) ва “Norma маслахатчи”нинг 16.07.2013 йилдаги 28 (417)-сонидан қаранг.

004-сатрда жисмоний шахсларга ҳисобланган даромадларнинг умумий суммаси - жами даромад кўрсатилади. СК 171-моддасига мувофиқ жами даромад таркибига куйидагилар киради:

- меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (СКнинг 172, 173, 174 ва 175-моддалари);
- мулкӣ даромадлар (СКнинг 176-моддаси);
- моддий наф тарзидаги даромадлар (СКнинг 177-моддаси);
- бошқа даромадлар (СКнинг 178-моддаси).

004-сатрнинг кўрсаткичи жисмоний шахсларнинг даромадларини ҳисобга олиш учун фойдаланиладиган барча ҳисобварақлардаги суммаларни кўшиш йўли билан (даромад турига қараб 6710, 6610, 6620, 6910 ва бошқа ҳисобварақлар ҳамда корхона ҳисоб сиёсатида назарда тутилган ҳисобварақлар кредити) аниқланади.

ДИҚҚАТ! СК 171-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган тўловлар ЖШДС бўйича ҳисоботни тўлдиришда инobatга олинмайди.

005-сатрда 004-сатрдан иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлмаган, ушбу даромадларни олувчининг ёзма аризасига кўра ЖШДС ушланмаган моддий наф тарзидаги даромадлар суммаси ажратилади. Моддий наф тарзидаги даромадларга СКнинг 177-моддасига мувофиқ куйидагилар киради:

юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкӣ ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан:

- жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш;
- коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;
- санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;
- юридик шахснинг жисмоний шахс даромади бўлган бошқа харажатлари;

солиқ тўловчининг манфаатларини кўзлаб текинга, шу жумладан ҳады шартномаси асосида берилган мол-мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати; товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ходимларга реализация қилинадиган нархи ва шу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати ўртасидаги салбий тафовут;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль транспорти ва шаҳар электр транспортида юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси;

жисмоний шахснинг юридик шахс олдидаги қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқарилган суммалари;

иш берувчи томонидан тўловлар ҳисобига тўланиб, ходимдан ушлаб қолиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қолинмаган суммалар.

Меҳнатга оид муносабатларда бўлмаган жисмоний шахсга моддий наф тарзида даромадлардан корхона, жисмоний шахснинг ёзма аризаси бўлганда ЖШДСни ушлаб қолмасликка ҳақлидир (СКнинг 184-моддаси). Бунда бундай даромад олувчи жисмоний шахс ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай ўзининг яшаш жойи бўйича ДСИга декларация топшириши шарт.

006-сатрда СКнинг 179, 180-моддалари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида солиқ солишдан

озод этиладиган даромадлар суммаси кўрсатилади.

Бунда шуни эътиборга олиш керакки, 2013 йил 1 январдан бошлаб энг кам иш ҳақиға қаррали миқдорда назарда тутилган имтиёзларни ҳисоблаб чиқариш учун бутун йил давомида жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра амал қилувчи ЭКИХ қўлланилади, яъни 2013 йилда - 79 590 сўм. Ҳисоблашнинг бундай тартиби куйидаги ҳолларда белгиланган имтиёзларга нисбатан қўлланилади:

моддий ёрдам (солиқ солинмайдиган энг кўп миқдор - 12 ёки 20 ЭКИХ), ишдан бўшатиш нафақаси (12 ЭКИХ) ва совға берилганда (6 ЭКИХ) (СК 179-моддасининг 1, 14 ва 20-бандлари);

жисмоний шахсларнинг айрим тоифаларини ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдоридаги даромадларини солиқ солишдан озод қилишда (СК 180-моддасининг иккинчи қисми).

007-сатрда ЖШДСнинг солиқ солинадиган базаси кўрсатилади. У куйидаги даромадларни чегирган ҳолда ялпи даромаддан келиб чиқиб аниқланади:

корхона СКнинг 184-моддасига мувофиқ ЖШДС ушламаган моддий наф тарзидаги даромадлар;

СКнинг 179, 180-моддалари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ солиқ солишдан озод этилган даромадлар.

Мазкур сатрдаги қиймат куйидаги формулага кўра аниқланади:

007-сатрнинг 004-сатр - 005-сатр - 006-сатр.
008-011-сатрларда 007-сатрдан ЖШДСнинг қандай ставкалари қўлланилишига қараб даромадлар алоҳида ажратилади.

008-сатрда 007-сатрдан белгиланган шкалада солиқ солинадиган даромадлар ажратилади. 2013 йил 1 январдан шкалани ҳисоблаб чиқариш учун жорий йил 1 январь ҳолатига кўра амал қилган ЭКИХ - 79 590 сўм қабул қилинади. Шунинг учун энг кам иш ҳақининг 2013 йил 15 августдан 91 530 сўмгача кўпайиши ҳисобга олинмайди.

2013 йилнинг сентябрь ойи учун ЖШДСни ҳисоблашда

Солиқ солинадиган даромад миқдори (сўм)	Солиқ суммаси (сўм)
3 581 550 (5 x 716 310) сўмгача	Даромад суммасининг 8%и
3 581 551 сўмдан 7 163 100 (10 x 716 310) сўмгача	286 524 сўм + 3 581 550 сўмдан ошган суммадан 16%
7 163 101 сўм ва ундан юқори	859 572 сўм + 7 163 100 сўмдан ошган суммадан 22%

куйидаги шкала қўлланади:

009-сатрда 007-сатрдан тўлов манбаида 10%лик ставкада солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар тарзидаги даромадлар ажратилади (Президентнинг 25.12.2012 йилдаги ПҚ-1887-сон қарори 3-банди). Солиқ солишдан озод этилган дивидендлар ва фоизлар мазкур сатрда кўрсатилмайди.

010-сатрда 007-сатрдан ЖШДСнинг энг кам ставкасида (2013 йилда - 8%) солиқ солинадиган даромадлар ажратилади. СКнинг 181-моддасига мувофиқ уларга куйидаги даромадлар киритилади:

баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган коэффицентлар бўйича кўшимча тўловлар тариқасида олинган даромадлар;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан вақтинчалик кишлоқ хўжалиги ишларига юборилган жисмоний шахсларнинг шу ишларни бажаришдан олинган даромадлари;

мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар; жисмоний шахслардан текин олинган улушлар, пайлар, акциялар тарзидаги даромадлар;

жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳукуки асосида тегишли бўлган кўчмас мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар.

011-сатрда 007-сатрдан ЖШДСнинг энг юқори ставкасида (2013 йилда - 22%) солиқ солинадиган даромадлар ажратилади. Улар, одатда, асосий бўлмаган иш жойида жисмоний шахсларга ҳисобланган, олувчининг аризасига кўра энг юқори ставкада солиқ ушланган даромадлардир. Шунинг эслатиб ўтамизки, асосий бўлмаган иш жойидан тўланган даромадларга СК 179-моддасининг 1-банди (*ЖШДС солинмайдиган ЭКИХнинг 12 баравари доирасидаги "бошқа ҳолларда" бериладиган моддий ёрдам*) ва 180-моддаси бўйича имтиёзлар қўлланмайди.

012-сатрда ШЖБПХга бадаллар (*6410-ҳисобварақ кредити*) чегирилган ҳолда ЖШДСнинг ҳисобланган суммаси кўрсатилади. Унинг кўрсаткичи Маълумотларга 1-илова 5-устунининг "Йил бошидан жами" сатри ва Маълумотлар 014-сатрининг кўрсаткичлари йиғиндиси сифатида белгиланади.

013-сатрда 012-сатрдан белгиланган шкалада солиқ солинадиган даромадлардан ЖШДС суммаси келтирилади.

014-сатрда 012-сатрдан дивидендлар ва фоизлар тарзидаги даромадлардан ҳисобланган ЖШДС кўрсатилади. Маълумотларга 2-илова 3-устунининг "Йил бошидан жами" сатри кўрсаткичи ушбу сатрга кўчирилади.

015-сатрда 012-сатрдан энг кам ставкада солиқ солинадиган даромадлардан ЖШДС суммаси келтирилади.

МАЪЛУМОТЛАРГА 1-ИЛОВА

Маълумотларга 1-илова - Жисмоний шахсларга тўланган даромадлар ва ўтказилган жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ҳамда ШЖБПХга бадаллар суммасининг расшифровкаси (бундан дивидендлар ва фоизлар мустасно) ҳар бир ҳисобот чораги учун тегишли операциялар амалга оширилган кунлар бўйича тўлдирилади ва тақдим этилади.

Маълумотларга 1-илловани тўлдиришда шунинг эътиборга олиш керакки, Расшифровкада:

СК 171-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган тўловлар кўрсатилмайди;

моддий наф тарзидаги ҳисобланган (тўланган) даромадлар ушбу тўловлар ҳисобланган (тўланган) ой учун ҳисобланган (тўланган) иш ҳақи суммаси билан бир вақтда кўрсатилади;

хизмат сафарига харажатлар учун бўнак тўловини амалга оширишда, нормалардан ортиқча кундалик харажатларнинг ҳисобланган (тўланган) суммалари бўнак ҳисоботи қабул қилинган ой учун ҳисобланган (тўланган) иш ҳақи суммаси билан бирга кўрсатилади.

МИСОЛ. 13 августда ходимга юбилей муносабати билан совга берилди. Расшифровкада моддий наф тарзидаги даромадни (совга СК 177-моддасининг 2-бандига мувофиқ шундай даромад ҳисобланади) ҳисоблашни август ойи учун иш ҳақи ҳисобланган санада, уни беришни эса август ойи учун иш ҳақи тўланган кунда акс эттириши лозим.

МИСОЛ. Суткалик пуллар ходимга 22 июлда берилган, бўнак ҳисоботи 2 августда тақдим этилган. Расшифровкада меъёрдан ортиқча суткалик пуллар август ойи учун иш ҳақини ҳисоблаш санасида акс эттирилади, уларнинг тўланиши эса август ойи учун иш ҳақи тўлаш санасида кўрсатилади.

Агар корхона жисмоний шахсларнинг даромадларидан ушланмалар (масалан, ходимнинг аризасига кўра иш ҳақи ипотека кредитини қоплашга йўналтирилган ёки иж-

016-сатрда 012-сатрдан энг юқори ставкада солиқ солинадиган даромадлардан ҳисобланган ЖШДС суммаси келтирилади.

017-сатрда ШЖБПХга мажбурий бадалларнинг ҳисобланган суммаси (*6530-ҳисобварақ кредити*) кўрсатилади. Ушбу сатрга Маълумотларга 1-илова 4-устунининг "Йил бошидан жами" сатри кўрсаткичи кўчирилади.

018-сатрда қуйидаги формулага кўра аниқланган ЖШДС ва фуқароларнинг суғурта бадаллари чегирилган ҳолда ҳисоблаб ёзилган даромадларнинг умумий суммаси кўрсатилади:

$018\text{-сатр} = 004\text{-сатр} - 012\text{-сатр} - 017\text{-сатр} - \text{фуқароларнинг ҳисоблаб ёзилган суғурта бадаллари (6\%)}$.

019-сатрда жисмоний шахсларга тўланган даромадларнинг умумий суммаси (ЖШДС ва фуқароларнинг суғурта бадалларини чегирилган ҳолда) кўрсатилади. 019-сатрнинг кўрсаткичи Маълумотларга 1-илова 6-устунининг "Йил бошидан жами" сатри ва Маълумотларга 2-илова 5-устунининг "Йил бошидан жами" сатри кўрсаткичларини қўшиш йўли билан белгиланади.

020-сатрда бюджетга тўланган ЖШДСнинг умумий суммаси (ШЖБПХга бадалларни чегирилган ҳолда) кўрсатилади. Унинг кўрсаткичи Маълумотларга 1-илова 12-устунининг "Йил бошидан жами" сатри ва Маълумотларга 2-илова 8-устунининг "Йил бошидан жами" сатри кўрсаткичларини қўшиш йўли билан аниқланади.

021-сатрда ШЖБПХга тўланган бадаллар суммаси кўрсатилади. Унга Маълумотларга 1-илова 11-устунининг "Йил бошидан жами" сатри кўрсаткичи кўчирилади.

ро варақаси бўйича алимент ушланган ва ҳоказо) олса, у ҳолда уларни пул маблағларини ўтказиш ёки уларни банкдан даромадларни тўлаш учун олиш (кассадан тўловлар) санасида акс эттириши керак. Масалан, ипотека кредитини сўндириш ёки алимент тўлаш бўйича операцияларни амалга ошириш санаси бўлиб уларни ўтказиш санаси ҳисобланади. Ходимнинг корхона олдидаги қарзини (масалан, берилган қарз) сўндириш ҳисобига ушланмалар иш ҳақини тўлаш санасида акс эттирилади.

ШЖБПХга бадалларнинг (*4-устун*) ва бюджетга ЖШДСнинг (*5-устун*) ҳисобланган суммалари жисмоний шахсларнинг даромадларини ҳисоблаб ёзиш санасида (*2-устун*) кўрсатилади.

2-устунда жисмоний шахсларга ҳисобланган, ЖШДС (шу жумладан ШЖБПХ) ва фуқароларнинг суғурта бадаллари чегирилган ҳолда, даромадларнинг умумий суммаси кўрсатилади, уларга қуйидагилар киради:

меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (*СКнинг 172-175-моддалари*);

мулкий даромадлар (*СКнинг 176-моддаси*), дивидендлар ва фоизларни чегирилган ҳолда;

моддий наф тарзидаги даромадлар (*СКнинг 177-моддаси*);

бошқа даромадлар (*СКнинг 178-моддаси*).

3-устунда 2-устундан солиқ солинадиган даромадлар, яъни СКнинг 179, 180-моддаларида ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ЖШДС бўйича имтиёзлар чегирилган ҳолдаги даромадлар ажратилади. Бунда 3-устун кўрсаткичига асосий бўлмаган иш жойида тўланган, олувчининг аризасига кўра ЖШДС ушланмаган моддий наф тарзидаги даромадлар киритилмайди.

4-устунда ШЖБПХга мажбурий бадалларнинг ҳисобланган суммаси кўрсатилади.

Меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган жисмоний шахслар (улар жумласига ишловчи пенсионерлар, ўриндошлар ҳам киради), шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишларни бажарадиган фуқаролар учун, агар улар даромадларидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ЖШДС ушланса, ШЖБПХга бадалларни тўлаш маж-

бурийдир (АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўйиши ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди). Шу тариқа ШЖБПХга мажбурий бадаллар ходим иш ҳақининг фақат солиқ солинадиган қисмидан ўтказилади, унинг солиқ солинмайдиган қисмидан эса ШЖБПХга мажбурий бадаллар ушлаб қолинмайди.

МИСОЛ. Корхона ходимнинг даромадларини унинг ўғлининг (19 ёш) Ўзбекистон олий ўқув юртида ўқиши учун ўтказиб келади. Мазкур даромадларга СК 179-моддасининг 31-бандига асосан ЖШДС солинмайди, тегишинча, улардан ШЖБПХга 1% ўтказилмайди.

5-устунда ШЖБПХга мажбурий бадаллар чегирилган ҳолда ҳисобланган ЖШДС кўрсатилади.

2-5-устунларга “Ой бошидаги қолдиқ (сальдо)” сатри бўйича олдинги чорак учун Расшифровканинг тегишли устунларидан “Чорак охиридаги қолдиқ (сальдо)” сатри суммалари кўчирилади.

6-устунда жисмоний шахсларга пул маблағлари билан тўланган (шу жумладан пластик карточкаларга маблағлар, жисмоний шахсларнинг даромадларидан ушланмалар ва ўтказмалар, моддий наф тарзидаги даромадлар) ёки натура шаклида берилган, шу жумладан ЖШДС солинмайдиган даромадларнинг умумий суммаси кўрсатилади.

7-устунда 6-устундан солиқ солинадиган даромадлар ажратилади.

МИСОЛ. Ходимга тиббий даволаниши муносабати билан 1 200 000 сўм моддий ёрдам берилди. Моддий ёрдамнинг солиқ солинадиган қисми 244 920 сўмни (1 200 000 - 79 590 x 12) ташкил қилади.

6-устунда моддий ёрдамнинг бутун суммаси (1 200 000 сўм), **7-устунда** солиқ солинадиган қисми – (244 920 сўм) кўрсатилади.

8-устунда 6-устундан жисмоний шахсларга натура шаклида тўланган даромадлар суммаси ажратилади.

ВМнинг 19.03.2002 йилдаги 88-сон қарорига мувофиқ республикамизда иш ҳақини натура шаклида (ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот, харид қилинган товарлар билан ва ҳоказо) тўлаш тақиқланган. Қишлоқ хўжалиги товар

ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно, улар (ходимларнинг ёзма аризасига кўра) ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари тўлаш бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаган тақдирда иш ҳақи тарзида бера оладилар.

Ушбу тўловлардан ташқари, 8-устунда совғалар, чипталар, йўлланмалар, бепул овқатланишга талонлар ва бошқаларнинг суммалари кўрсатилади.

9-устунда 6-устундан солиқ солинадиган, натура шаклида тўланган даромадлар ажратилади.

МИСОЛ. Ходимга унинг юбилеи муносабати билан қиймати 500 000 сўмлик совға берилган (6-устунда кўрсатилади). ЭКИХнинг 6 баравари (477 540 сўм) доирасидаги совганинг қийматига ЖШДС солинмайди. Солиқ солинадиган сўмма - 22 460 сўм 9-устунда кўрсатилади.

10-устунда 6-устундан бўнақ тарзида тўланган иш ҳақи суммаси (тўлаш санасида) кўрсатилади.

11-устунда ШЖБПХга мажбурий бадалларнинг Халқ банкига ўтказилган суммалари (тўлов топшириқномаси ёзилган санада) кўрсатилади.

12-устунда ШЖБПХга бадаллар чегирилган ҳолда (тўлов топшириқномаси ёзилган санада) ЖШДСнинг бюджетга ўтказилган суммаси кўрсатилади.

“Жами” сатрида Расшифровканинг тегишли устунлари бўйича маълумотларни жамлаш натижаси кўрсатилади.

“Чорак охиридаги қолдиқ (сальдо)” сатри 2, 3, 4 ва 5-устунларининг кўрсаткичлари Расшифровкага изохда келтирилган формулалар бўйича белгиланади:

2-устун = “Чорак бошидаги қолдиқ” сатрининг 2-устуни + “Жами” сатрининг 2-устуни – “Жами” сатрининг 6-устуни;

3-устун = “Чорак бошидаги қолдиқ” сатрининг 3-устуни + “Жами” сатрининг 3-устуни – “Жами” сатрининг 7-устуни;

4-устун = “Чорак бошидаги қолдиқ” сатрининг 4-устуни + “Жами” сатрининг 4-устуни – “Жами” сатрининг 11-устуни;

5-устун = “Чорак бошидаги қолдиқ” сатрининг 5-устуни + “Жами” сатрининг 5-устуни – “Жами” сатрининг 12-устуни.

“Йил бошидан жами” сатрида аввалги чорак “Йил бошидан жами” ва жорий чорак “Жами” сатрларининг йиғиндиси кўрсатилади.

МАЪЛУМОТЛАРГА 2-ИЛОВА

Маълумотларга 2-илова - Тўланган дивидендлар ва фоизлар ҳамда ўтказилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасининг расшифровкаси ҳар бир ҳисобот чораги учун тегишли операциялар амалга оширилган кунлар бўйича тўлдирилади ва тақдим этилади.

“Чорак бошидаги қолдиқ” сатрида олдинги чорак учун “Чорак охиридаги қолдиқ” сатридан Расшифровканинг тегишли устунларидан кўчириладиган суммалар кўрсатилади.

2-устунда ҳисобот даври учун (ҳисоблаш санаси бўйича) дивидендлар ва фоизларнинг ҳисобланган суммаси кўрсатилади.

Бунда **дивидендлар** деганда, СКнинг 22-моддасига кўра, куйидагилар тушунилади:

акциялар бўйича тўланиши лозим бўлган даромад;

юридик шахс томонидан унинг муассислари ўртасида (иштирокчилари, аъзолари ўртасида уларнинг улушлари, пайлари, ҳиссалари бўйича) тақсимланмаган соф фойданинг ва (ёки) ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойданинг бир қисми;

юридик шахс тугатилганда мол-мулкни тақсимлашдан олинган, шунингдек муассис (иштирокчи, аъзо) томонидан юридик шахс иштирок этиш улушини (пайини, ҳиссасини)

олгандаги даромадлар, бундан муассис (иштирокчи, аъзо) устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида киритган мол-мулкнинг қиймати чегирилади;

тақсимланмаган фойда устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш учун йўналтирилган тақдирда юридик шахс акциядорининг, муассисининг (иштирокчисининг, аъзосининг) қўшимча акциялар қиймати, акциялар номинал қийматининг ошиши, улуш (пай, ҳисса) қийматининг ошиши тарзида олинган даромадлари.

Фоизлар - ҳар қандай турдаги қарз талабларидан олинган даромад, шу жумладан облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек депозит қўйилмалар ва бошқа қарз мажбуриятларидан олинган даромад (СКнинг 22-моддаси).

3-устунда дивидендлар ва фоизлардан ҳисобланган ЖШДС кўрсатилади (10%лик ставка бўйича).

4-устунда ЖШДС чегирилган ҳолда дивидендлар ва фоизларнинг ҳисобланган суммаси кўрсатилади.

5-устунда тўланган дивидендлар ва фоизларнинг умумий суммаси кўрсатилади. Сатрнинг кўрсаткичи 6 ва 7-устунларнинг йиғиндиси сифатида белгиланади.

6-устунда пул шаклида тўланган, яъни нақд пул билан берилган, муассиснинг пластик карточкасига ёки ҳисобварағига ўтказилган дивидендлар ва фоизлар

кўрсатилади.

7-устунда натура шаклида тўланган, масалан, асосий воситалар, товарлар, ўз маҳсулоти ва бошқалар билан, дивидендлар ва фоизлар кўрсатилади.

8-устунда дивидендлар ва фоизлардан бюджетга ўтказилган ЖШДС суммаси кўрсатилади.

МИСОЛ. Йирик корхонанинг муассиси ҳисобланган жисмоний шахсга 11 000 минг сўм миқдориди дивидендлар ҳисобланган, ундан 8 000 минг сўми пул билан тўланади, қолган қисми ҳисобига корхонанинг ўз маҳсулоти берилади.

Ҳисобланган сумма (11 000 минг сўм) Расшифровкаканинг 2-устунида кўрсатилади. Дивидендлардан солиқ суммаси - 1 100 минг сўм - Расшифровкаканинг 3 ва 8-устунларида кўрсатилади.

Муассисга тўланиши лозим бўлган дивидендлар суммаси (Расшифровкаканинг 4 ва 5-устунлари) 9 900 минг сўми

(11 000 - 1 100) ташкил қилади. Пул билан тўланган дивидендлар (8 000 минг сўм) 6-устунда, тайёр маҳсулот билан берилган дивидендлар - 1 900 минг сўм (11 000 - 1 100 - 8 000) - 7-устунда кўрсатилади.

“Жами” сатрида Расшифровкаканинг тегишли устунлари бўйича маълумотларни жамлаш натижаси кўрсатилади, **“Чорак ахиридаги қолдиқ” сатри** 3 ва 4-устунларининг кўрсаткичлари эса қуйидаги формулалар бўйича белгиланади:

3-устун = “Чорак бошидаги қолдиқ” сатрининг 3-устуни + “Жами” сатрининг 3-устуни - “Жами” сатрининг 8-устуни;

4-устун = “Чорак бошидаги қолдиқ” сатрининг 4-устуни + “Жами” сатрининг 4-устуни - “Жами” сатрининг 5-устуни.

“Йил бошидан жами” сатрида аввалги чорак “Йил бошидан жами” ва жорий чорак “Жами” сатрларининг йиғиндиси кўрсатилади.

ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВ ВА СУҒУРТА БАДАЛЛАРИ

ЯИТ ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи шакли² қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг суғурта бадаллари тўловчиси тўғрисида маълумотлар;

Ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳисоб-китоби (бундан кейин - *Ҳисоб-китоб*);

Ҳисоб-китобга 1-илова – “Ягона ижтимоий тўлов ҳисобланмайдиган тўловларнинг турлари” (бундан кейин - *Ҳисоб-китобга 1-илова*);

Ҳисоб-китобга 2-илова – “Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўловларнинг турлари” (бундан кейин - *Ҳисоб-китобга 2-илова*).

Ходимлар сонидан қатъи назар барча корхоналар томонидан ЯИТ ва суғурта бадаллари бўйича ҳисобот ортиб борувчи якун билан ҳар чоракда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим

этилади (СКнинг 310-моддаси). 9 ойлик якунлари бўйича **Ҳисоб-китоб 25 октябрдан кечиктирмай тақдим этилиши керак.**

Бундан ташқари, ЯИТни Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (АВ томонидан 13.04.2010 йилда 2095-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ тўлайдиган корхоналар ЯИТ ҳисоб-китоби билан бирга 3-илова – “ЯИТнинг энг кам миқдори маълумотнома-ҳисоб-китоби” (бундан кейин - *Ҳисоб-китобга 3-илова*)ни тақдим этадилар.

Асосий фаолият тури чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш бўлган корхоналар ЯИТ ҳисоб-китоби билан бирга Ходимларнинг сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисида маълумотнома-ҳисоб-китобни МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 22.03.2013 йилда 2439-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига 10-иловага мувофиқ шаклларда тақдим этадилар. Бунда улар ЯИТ ҳисоб-китобига 3-иловани тўлдирмайдилар.

ЯИТ ВА СУҒУРТА БАДАЛЛАРИ ҲИСОБ-КИТОБИ

Ҳисоб-китоб ортиб борувчи якун билан қуйидаги тартибда тўлдирилади.

3, 4 ва 5-устунларда солиқ тўловчилар ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш учун зарур бўлган, **6-устунда** эса суғурта бадаллари суммалари ҳисоб-китоби учун зарур бўлган маълумотларни кўрсатадилар.

3-устунда Ҳисоб-китобнинг тегишли сатрларида ЯИТни ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчининг маълумотлари умумий суммада (жами) акс эттирилади, улардан қуйидагилар алоҳида ажратилади:

4-устунда - ЯИТнинг умумбелгиланган ставкаси – 25% қўлланадиган кўрсаткичлар.

4-устунни “SOS-Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмалари ҳам тўлдирадилар, чунки улар учун 7% миқдориди ЯИТ ставкаси белгиланган ва у меҳнатга ҳақ тўлашнинг умумий фондига қўланади (ВМнинг 26.06.2001 йилдаги 271-сон қарори 1-банди);

5-устунда - ЯИТнинг имтиёзли ставкаси қўлланадиган маълумотлар. 5-устунни ихтисослашган цехлар ва участкаларда ишлайдиган ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар тўлдирадилар. Ногиронлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига 4,7% миқдориди ЯИТнинг пасайтирилган ставкаси қўланади (ВМнинг 17.07.1992 йилдаги 328-сон қарори 7-банди).

010-сатрда СКнинг 306-моддасига кўра ЯИТ ва суғурта бадаллари солиш объекти ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги ҳисобланган даромадлар суммаси акс эт-

тирилади. Уларга қуйидагилар киради:

ҳақиқатда бажарилган иш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган иш ҳақи;

илмий даража ва фахрий унвон учун устамалар; рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар (СКнинг 173-моддаси);

компенсация тўловлари (компенсация) (СКнинг 174-моддаси);

ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш (СКнинг 175-моддаси).

Шунингдек СКнинг 172-моддасига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга қуйидагилар ҳам киради:

предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга (СКнинг 169-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган даромадлар бундан мустасно) тўловлар;

юримдик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи) аъзоларига юримдик шахснинг ўзи томонидан амалга ошириладиган тўловлар;

мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига ҳамда Давлат божхона

²МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 22.03.2013 йилда 2439-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига 10-илова.

қўмитасининг ходимларига хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар.

ДИҚҚАТ! СКнинг 176, 177 ва 178-моддаларида кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга кирмайдиган тўловлар ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари бўйича ҳисоботда кўрсатилмайди.

Масалан, моддий ёрдам, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари (касаллик варақалари бўйича тўловлар), болани 2 ёшга тўлгунга қадар парваришlash нафақалари, пенсиялар ЯИТ ва суғурта бадаллари бўйича ҳисоботда кўрсатилмайди, чунки улар бошқа даромадларга киради (СКнинг 178-моддаси).

011-сатрда Ўзбекистон ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни тақдим этиш хизматларини кўрсатишга доир шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси норезиденти - юридик шахсга тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари кўрсатилади. Мазкур сатрда чет эллик ходимларга, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда, бироқ чет эллик ходимларни тақдим этиш хизматларини кўрсатишга доир шартнома бўйича харажатлар умумий суммасининг 90%идан кам бўлмаган миқдорда тўланадиган даромадлар суммаси келтирилади. Кўрсатилган даромадлар фақат ЯИТ солиш объектидир (СКнинг 306-моддаси), шу сабабли фақат 3 ва 4-устунлар тўлдирилади. 5 ва 6-устунлар тўлдирилмайди.

020-сатр бўйича Ҳисоб-китобнинг тегишли устунларида қуйидагилар кўрсатилади:

ЯИТ ҳисобланмайдиган тўловлар суммаси (Ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатри асосида тўлдирилади); суғурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўловлар суммаси (Ҳисоб-китобга 2-илованинг 010-сатри маълумотларидан).

030-сатрда қуйидаги ҳисоб-китоб йўли билан аниқланадиган ЯИТ ва суғурта бадаллари бўйича солиқ солинадиган база кўрсатилади: 010-сатр + 011-сатр - 020-сатр. 0301, 0302 ва 0303-сатрларда тегишинча ҳисобот чораги биринчи, иккинчи ва учинчи ойлари охиридаги солиқ солинадиган база (ортиб борувчи яқун билан) алоҳида кўрсатилади.

040-сатрда ЯИТ ва суғурта бадаллари ставкаси кўрсатилади. 2013 йилда ЯИТ ставкаси 25%, суғурта бадаллари эса 6%ни ташкил этади (Президентнинг 25.12.2012 йилдаги ПҚ-1887-сон қарори).

“SOS - Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмалари 040-сатрнинг 4-устунида 7%ни кўрсатадилар, ихтисослашган цехлар ва участкаларда ишлайдиган ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар 040-сатрнинг 5-устунида 4,7%ни кўрсатадилар.

050-сатрда ҳисобот давридаги ЯИТ ва суғурта бадаллари суммаси акс эттирилади, у 030-“Солиқ солинадиган база” сатри кўрсаткичини унга тегишли 040-“ЯИТ ва суғурта бадаллари ставкалари” сатрининг кўрсаткичига кўпайтириш йўли билан белгиланади. Бунда 0501, 0502 ва 0503-сатрларда ҳисобот чорагининг тегишинча бирин-

чи, иккинчи ва учинчи ойлари охирига ҳисобланган ЯИТ ва суғурта бадаллари суммасини ортиб борувчи яқун билан кўрсатиш керак.

Агар корхона ЯИТнинг имтиёзли ставкаси (4,7%)ни қўлласа, ЯИТни белгиланган ва пасайтирилган ставкалар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаш керак.

МИСОЛ. Корхонада 30 киши ишлайди, улардан 14 таси ногирон. 9 ой (январь–сентябрь) яқуни бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида 23 200 минг сўм, шундан 9 600 минг сўми ногиронларнинг МХТФга тўғри келади.

9 ой яқуни бўйича МХТФдан ягона ижтимоий тўлов: ногиронлар бўйича – 451,2 минг сўм (9 600 x 4,7%); қолган ишчилар бўйича – 3 400 минг сўм (13 600 x 25%).

ЯИТнинг умумий суммаси 3 851,2 минг сўмга тенг (451,2 + 3 400).

Ҳисобот даври яқунлари бўйича суғурта бадалларининг суммаси 1 392 минг сўм (23 200 x 6%).

Ҳисоб-китобда қуйидагилар кўрсатилади:

030-сатр бўйича 3 ва 6-устунларда – 23 200 000 сўм, 4 ва 5 устунларда тегишинча – 13 600 000 ва 9 600 000 сўм;

040-сатр бўйича 4-устунда – 25%, 5-устунда – 4,7%, 6-устунда эса – 6%;

050-сатр бўйича 3-устунда – 3 851 200 сўм, 4-устунда – 3 400 000 сўм, 5-устунда – 451 200 сўм, 6-устунда – 1 392 000 сўм.

060, 0601, 0602 ва 0603-сатрларни Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (бундан кейин - 2095-сон Низом) мувофиқ энг кам миқдорни ҳисобга олган ҳолда ЯИТ тўлаш тартиби татбиқ этиладиган корхоналаргина тўлдиради. Кўрсатилган сатрларда Ҳисоб-китобга 3-илова 090, 0901–0903-сатрлари асосида маълумотлар келтирилади. ЯИТ бўйича қўшимча ҳисобланган умумий сумма 060-сатрда ҳисобот даври (чорак) учун, шу жумладан 0601, 0602 ва 0603-сатрларда ҳисобот чорагининг ҳар бир оyi учун (ортиб борувчи яқун билан) акс эттирилади. Агар ЯИТнинг энг кам миқдорига қўшимча ҳисобланган суммалар бўлмаса, 060, 0601–0603-сатрларнинг тегишли устунларига “0” қўйилади.

070-сатрда ҳисобот чораги учун тўланадиган (ортиб борувчи яқун билан) ЯИТ ва суғурта бадаллари суммаси кўрсатилади. 070-сатрдан ҳисобот чорагининг биринчи, иккинчи ва учинчи ойлари учун тўланадиган ЯИТ ва суғурта бадаллари суммаси алоҳида-алоҳида кўрсатилади (**0701, 0702 ва 0703-сатрлар**).

ЯИТни энг кам миқдорни ҳисобга олган ҳолда тўловчи корхоналар 070, 0701–0703-сатрлар кўрсаткичларини 060, 0601–0603-сатрларда акс эттирилган қўшимча ҳисобланган суммаларни инобатга олган ҳолда аниқлайдилар (050 ва 060-сатрлар қийматлари суммаси).

Энг кам миқдорни ҳисобга олган ҳолда ЯИТ тўлаш тартиби татбиқ этилмайдиган корхоналар 070, 0701, 0702 ва 0703-сатрларга тегишинча 050, 0501, 0502 ва 0503-сатрлардан кўрсаткичларни кўчирадилар.

ЯИТ ҲИСОБЛАНМАЙДИГАН ТЎЛОВ ТУРЛАРИ (ҲИСОБ-КИТОБГА 1-ИЛОВА)

Ҳисоб-китобга 1-илова Солиқ кодекси ёки бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ЯИТ солинмайдиган тўловлар мавжуд бўлгандагина тўлдирилади ва тақдим этилади.

010-сатрда ЯИТ ҳисобланмайдиган тўловларнинг умумий суммаси кўрсатилади. У 020 ва 030-сатрларнинг йиғиндиси сифатида аниқланади.

020-сатрда СКнинг 308-моддасида назарда тутилган

ЯИТ бўйича имтиёзларнинг умумий суммаси акс эттирилади. Унинг кўрсаткичи 0201–0204-сатрлар суммаси сифатида белгиланади.

ЯИТ ҳисобланмайдиган тўловларга қуйидагилар киради:

меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ ҳолда зарарнинг ўрнини қоплаш учун СК 171-моддаси иккинчи қисмининг 9-бандида

кўрсатилган миқдорлардан ортикча олинган суммалар (0201-сатр);

ёш мутахассисларга олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафақалар (0202-сатр);

Мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликлари, МХХнинг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг ҳамда Давлат божхона қўмитасининг оддий, сержант ва офицер таркибларига хизматни ўташи (хизмат вазифаларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар (0203-сатр);

қуйидаги грант маблағлари ҳисобига олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар: давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва хорижий ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан берилган грант маблағлари; Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиладиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан берилган грант маблағлари; ЎЗРнинг халқаро шартномалари доирасида берилган грант маблағлари (0204-сатр);

030-сатрда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асоси-

да ЯИТ ҳисобланмайдиган тўловлар суммаси кўрсатилади. Унинг кўрсаткичи 0301-03...-сатрлар йиғиндиси сифатида белгиланади. Ушбу сатрларни тўлдиришда имтиёз қўлланишига асос бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи, санаси, рақами, шунингдек банди ва имтиёзнинг мазмуни ҳам кўрсатилади.

Масалан, касаначиларга товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришга буюртмалар берадиган корхоналарга касаначилар меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ЯИТни тўлашдан озод қилиш тарзида имтиёз берилган. Имтиёз Президентнинг 5.01.2006 йилдаги ПФ-3706-сон Фармонида мувофиқ 2014 йил 1 январгача тақдим этилган. Мазкур имтиёзни қўллайдиган корхона 0301-сатрнинг 1-устунида "Касаначиларга тўланадиган иш ҳақи тарзидаги даромадлар" деб кўрсатади (Президентнинг 5.01.2006 йилдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-3706-сон Фармонининг 3-банди), 030 ва 0301-сатрларнинг 3-устунида эса даромадлар суммасини кўрсатади.

СУҒУРТА БАДАЛЛАРИ ҲИСОБЛАНМАЙДИГАН ТЎЛОВ ТУРЛАРИ (ҲИСОБ-КИТОБГА 2-ИЛОВА)

Ҳисоб-китобга 2-иловада Солиқ кодекси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра суғурта бадаллари солинмайдиган тўловлар кўрсатилади. У тегишли кўрсаткичлар мавжуд бўлгандагина тўлдирилади.

010-сатрда суғурта бадаллари солинмайдиган тўловларнинг умумий суммаси кўрсатилади (020 ва 030-сатрлар кўрсаткичлари йиғиндиси).

020-сатрда суғурта бадаллари бўйича СК билан белгиланган имтиёзларнинг умумий суммаси акс эттирилади. Унинг кўрсаткичи 0201-0204-сатрлар йиғиндиси сифатида белгиланади.

0201-сатрда Ўзбекистонда доимий яшамайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўловлар суммаси кўрсатилади. СКнинг 305-моддасига асосан мазкур

тўловларга суғурта бадаллари солинмайди. ЎЗР Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистонда доимий яшашга рухсатномаси ва яшаш гувоҳномаси бўлган чет эл фуқаролари доимий яшовчи фуқаролар деб ҳисобланади.

0202-0204-сатрлар, агар ҳисобот даврида СКнинг 308-моддасига асосан суғурта бадаллари солинмайдиган тўловлар амалга оширилган бўлса, тўлдирилади.

030-сатрда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида суғурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўловлар суммаси кўрсатилади. Сатр қиймати 0301-03...-сатрлар йиғиндиси сифатида белгиланади, ушбу сатрларда имтиёз қўлланишига асос бўлган қонун ҳужжатининг номи, санаси ва рақами, шунингдек банди ва имтиёзнинг мазмуни кўрсатилади.

ЯИТ ЭНГ КАМ МИҚДОРНИНГ МАЪЛУМОТНОМА-ҲИСОБ-КИТОБИ (ҲИСОБ-КИТОБГА 3-ИЛОВА)

Ҳисоб-китобга 3-илловани 2095-сон Низомга мувофиқ энг кам миқдорни ҳисобга олган ҳолда ЯИТ тўлаш тартиби татбиқ этиладиган корхоналаргина тақдим этадилар. Энг кам миқдорни ҳисобга олган ҳолда ЯИТ тўлаш тартиби қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

қонун ҳужжатларида ягона ижтимоий тўловнинг пасайтирилган ставкаси назарда тутилган юридик шахслар;

нотижорат ташкилотлари, шу жумладан бюджет ташкилотлари;

ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари белгиланган чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳаси корхоналари. Ушбу корхоналар Ҳисоб-китоб билан бирга ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳақида Маълумотнома-ҳисоб-китобни тақдим этадилар.

Ногиронлар меҳнатидан фойдаланадиган, ноги-

рон ходимлар МХТФга ЯИТнинг пасайтирилган ставкасини (4,7%ни) қўллайдиган корхоналар ЯИТнинг энг кам миқдорини меҳнатга ҳақ тўлаш фондига 25%лик ставкада ЯИТ қўлланадиган ходимлар бўйича ҳисоблайдилар.

Маълумотнома-ҳисоб-китоб шакл кўрсатмаларига қатъий амал қилган ҳолда қуйидаги тартибда тўлдирилади.

0101, 0102 ва 0103-сатрларда ортиб бормайдиган якун билан ҳисобот чорагининг биринчи, иккинчи ва учинчи ойларида ЯИТнинг энг кам миқдорини ҳисоблашда ҳисобга олинадиган ходимлар сони акс эттирилади. Уларга меҳнат шартномаларига ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш предмети бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ ишлаётган жисмоний шахслар киритилади.

0201, 0202 ва 0203-сатрларда ортиб бормайдиган якун

билан чоракнинг ҳар бир ойида ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари кўрсатилади. Бунда иш куни деб ходим ишлаган соатларидан қатъи назар ишланган кун ҳисобланади. Ходимнинг ҳақиқатда ишлаган кунларига йиллик меҳнат таътилларига ва иш ҳақи сақланган ҳолда бериладиган таътилларга тўғри келадиган кунлар ҳам тааллуқлидир.

Бир ойда ходимларнинг ишлаган кунларини ҳисоблаб чиқаришда қуйидагиларнинг ишлаган кунлари киритилмайди:

4,7%лик ставка бўйича ЯИТ ҳисоблаб чиқариладиган ихтисослашган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронларнинг иш кунлари;

касаначиларнинг иш кунлари;

фукаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ ишлар бажараётган (хизматлар кўрсатаётган) яқка тартибдаги тадбиркорларнинг иш кунлари.

0301, 0302 ва 0303-сатрларда корхонада ўрнатилган 5 ёки 6 кунлик иш ҳафтасидан келиб чиқиб бир ойдаги иш кунлари сони кўрсатилади. Иш вақтининг ҳисобига (МАИМКВ 31.10.2012 йилда 02-05/3107-сон билан тасдиқлаган) мувофиқ иш кунлари сони қуйидагича:

Ой	5 кунлик иш ҳафтасида	6 кунлик иш ҳафтасида
Январь	21	25
Февраль	20	24
Март	19	24
Апрель	22	26
Май	22	26
Июнь	20	25
Июль	23	27
Август	21	26
Сентябрь	21	25

0401, 0402 ва 0403-сатрларда бир ойга бир ходим учун ЯИТнинг меъёри кўрсатилади, у ЭКИХнинг 1 бараварига, фермер хўжаликлари учун эса белгиланган энг кам иш ҳақининг 50%ига тенг. ЭКИХ қуйидаги миқдорга тенг:

2012 йил 1 декабрдан 2013 йил 15 августгача - 79 590 сўм (Президентнинг 9.11.2012 йилдаги ПФ-4482-сон Фармонининг 2-банди);

2013 йил 15 августдан - 91 530 сўм (Президентнинг 11.07.2013 йилдаги ПФ-4547-сон Фармонининг 2-банди).

ЭКИХ кўпайиши муносабати билан август ойи учун ЯИТнинг энг кам миқдори ўргача ойлик ЭКИХ - 86 138 сўмдан (79 590 x 14 кун + 91 530 x 17 кун) / 31 кун) келиб чиқиб ҳисобланади (МВ ва ДСҚнинг 17.09.2013 йилдаги ММ/04-01-32-14/781-сон ва 13/1-15653-сон қўшма хати)³.

ДИҚҚАТ! Август ойи учун ЯИТнинг энг кам миқдорини ҳисоблашда иш ҳақининг энг кам миқдори 86 138 сўмга тенг деб қабул қилинади.

050-сатрда 0501, 0502 ва 0503-сатрлар йиғиндиси си-

фатида аниқланадиган ҳисобот чораги учун ЯИТнинг энг кам миқдори акс эттирилади.

0501, 0502 ва 0503-сатрларда қуйидаги ҳисоб-китоб йўли билан аниқланадиган ҳисобот чорагининг ҳар бир ойи учун ЯИТнинг энг кам миқдори кўрсатилади: ҳақиқатда ишланган кунлар сони ҳисобот ойида иш кунлари сонига бўлинади ва ЯИТ меъёрига кўпайтирилади.

060-сатрда белгиланган ставка - 25%дан келиб чиқиб ҳисобот чораги учун ҳисобланган ЯИТ суммаси акс эттирилади. Унинг қиймати 0601, 0602 ва 0603-сатрлар кўрсаткичлари йиғиндиси сифатида аниқланади.

0601-сатрда ҳисобот чорагининг биринчи ойи учун ҳисобланган ЯИТ суммаси кўрсатилади. Ушбу кўрсаткич ҳисобот даври учун Ҳисоб-китобнинг 0501-сатри ва олдинги ҳисобот даври учун Ҳисоб-китобнинг 050-сатри 4-устунлари қийматларининг фарқи сифатида ҳисобланади.

0602-сатрда ҳисобот чорагининг иккинчи ойи учун ҳисобланган ЯИТ суммаси кўрсатилади. Ушбу сатр маълумотлари ҳисобот даври учун Ҳисоб-китоб 0502 ва 0501-сатрларининг 4-устунлари кўрсаткичлари фарқи сифатида ҳисобланади.

0603-сатрда ҳисобот чорагининг учинчи ойи учун ҳисобланган ЯИТ суммаси кўрсатилади. Ушбу кўрсаткич ҳисобот даври учун Ҳисоб-китоб 0503 ва 0502-сатрларининг 4-устунлари кўрсаткичлари фарқи сифатида ҳисобланади.

070-сатрда ҳисобот чораги учун ЯИТ бўйича қўшимча ҳисоблаш суммаси акс эттирилади (0701, 0702, 0703-сатрлар йиғиндиси).

ЯИТни қўшимча ҳисоблаш, агар ЯИТнинг энг кам миқдори белгиланган ставка (25%) бўйича ҳисобланган ЯИТдан ошса, юзага келади.

0701, 0702 ва 0703-сатрларда ҳисобот даврининг ҳар бир ойи учун ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси кўрсатилади. Ҳар бир сатрнинг қиймати тегишинча 0501 ва 0601, 0502 ва 0602, 0503 ва 0603-сатрлар фарқи сифатида аниқланади. Агар 0601, 0602 ва 0603-сатрлар қиймати 0501, 0502 ва 0503-сатрлар кўрсаткичига тенг ёки ундан ошса (яъни ЯИТ бўйича қўшимча ҳисоблаш юзага келмаса), 0701, 0702 ва 0703-сатрларда "0" қўйилади.

080-сатрда олдинги чорак якунига қўшимча ҳисобланадиган ЯИТ суммаси кўрсатилади. Олдинги ҳисобот даври учун Маълумотнома-ҳисоб-китобнинг 090-сатри маълумотлари кўчирилади.

090-сатрда ортиб борувчи якун билан аниқланадиган ҳисобот чораги охирига қўшимча ҳисобланган ЯИТ суммаси (070 ва 080-сатрлар йиғиндиси) акс эттирилади. 090-сатрдан 0901, 0902 ва 0903-сатрлар бўйича ҳисобот чорагининг тегишинча биринчи, иккинчи ва учинчи ойлари охирига қўшимча ҳисобланган ЯИТ суммалари ажратилади. Кейинчалик 090, 0901-0903-сатрлар кўрсаткичлари ЯИТ ва суғурта бадаллари ҳисоб-китобининг 060, 0601-0603-сатрларига кўчирилади.

Давоми бор.

³"СБХ"нинг 24.09.2013 йилдаги 38 (998)-сонидан эълон қилинган.

ОММАВИЙ ОФЕРТА

- «NORMA» газеталари бirlashgan тахририяти» МЧЖ, бундан кейин Тахририят деб юритилади, мазкур таклиф билан Тошкент шаҳри ёки республика минтакаларида жойлашган (истикомат қиладиган), қуйида таклиф қилинаётган шартларни (ўзи танлаган наشرларни ҳисобга олган ҳолда) тўлалигича ва сўзсиз қабул қилишни билдирадиган шахс (бундан кейин – **Обуначи**) билан **мазкур оммавий оферта шартларига мувофиқ чегирмали нархларда 2014 йилга обуна шартномасини (бундан кейин – Шартнома)** тузишга тайёр эканлигини билдиради. Тахририят ва Обуначи биргаликда Тарафлар деб номланади.
- Обуначи мазкур Шартнома шартларини қабул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шакл бўйича тўлдирилган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланган буюртманома-акцепт (*бундан кейин – Акцепт*) жўнатиш йўли билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича обуна бўлишга розилиги ҳақида Тахририятни хабардор қилади. Акцепт **244-44-29, 244-18-99, 244-89-17** факслари орқали жўнатилиши ёки Тахририятга **Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй** манзили бўйича келтириб берилиши мумкин. Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.
- Тахририят 2014 йил учун Акцептда кўрсатилган наشرларга обуна қилиш мажбуриятини, Обуначи эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.
- Мазкур шартнома Тахририят Акцептти олган вақтдан бошлаб кучга киради ва Тарафлар томонидан ўз мажбуриятлари бажарилишига қадар амал қилади.
- Обуначи обуна қиймати мазкур шартноманинг шартларига мувофиқ 2013 йил 31 октябрдан кечикмасдан тўлаши шарт.
- Обуна қийматини тўлаш шартлари: Обуначи томонидан Тахририят ҳисоб-китоб рақамига пул маблағларини (Акцептга биноан белгиланадиган тўловнинг умумий суммасини) ўтказиш йўли билан хакни юз фоиз (100%) олдиндан тўлаш. Тўлов Тахририят кассасига нақд пул билан ҳам амалга оширилиши мумкин.
- Тахририят унинг ҳисоб-китоб рақамига мазкур Шартноманинг 5, 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган тартибда пул маблағлари келиб тушганидан кейин, Тахририятда Обуначидан келган Акцепт мавжуд бўлганда, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.
- Тахририят почта бўлимлари орқали республика доирасида Обуначига у томонидан Акцептда қайд этилган наشرларни 2014 йил январдан бошлаб навбатдаги сон чиқиши билан кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил қилади.
- Кўрсатилган наشرларнинг электрон версияларига обуна бўлиши билан Обуначи ўз қучи билан ўзининг компьютерига газеталар электрон версияларининг яққа тартибда фойдаланиладиган версиясини ўрнатиш мажбуриятини олади, Тахририят эса Обуначига газеталар янги сонларининг электрон версияларини Интернет тармоғидан **norma.uz** сайти орқали ҳар ҳафтада 1 марта кўчириб олиш имкониятини тақдим этиш мажбуриятини олади.
- Наشرлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи тегшли почта бўлимига мурожаат қилиши керак. Почта хизмати томонидан наشرлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.
- Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдирда, Обуначи наشرларни янги манзилга етказиб бериш масаласини почта хизмати билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати томонидан наشرлар янги манзилга етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.
- Акцепт муддати **2013 йил 31 октябргача** қилиб белгиланади. Агар Тахририят томонидан Акцепт ва пул маблағлари ушбу муддатдан кечроқ олинган бўлса, Шартнома тузилмаган деб ҳисобланади, Тарафларда у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келмайди. Бундай ҳолда пул маблағлари Обуначига қайтарилади.
- Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.
- Обуначи томонидан Акцептда унинг манзили ногўғри кўрсатилган тақдирда, Тахририят Шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун Обуначи олдида жавобгар бўлмайди.
- Тарафлар Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу Шартнома тузилганидан кейин, Тарафлар олдиндан кўра олмаган, оқилона чоралар билан олдини ололмаган факултетада туслик воқеалар натижасида енгил бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) бошланиши оқибатида юз берган бўлса, жавобгар бўлмайдилар.
- Форс-мажор ҳолатларининг бошланганлиги тўғрисида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайтдан бошлаб 7 (етти) кун мобайнида хабардор қилишлари керак.
- Мазкур шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низолар музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда низолар Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг кўриб чиқишига топширилади.
- Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш муддати – **2013 йил 31 октябргача**.

19. ТАХРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«NORMA» gazetaları birlashgan tahririyati» МЧЖ
 100105, Тошкент ш., Таллимаржон кўч., 1/1
 Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш., Навоий кўч., 22
 Х/р: 2020 8000 9049 2115 7001
 Тошкент ш. «Infin BANK» ХОАТБда
 Банк коди 01041
 СТИР 207121733, ХХТУТ 87100
 Тел./факс (371) 200-00-30, 244-44-29.

Баҳодир ҚАЮМОВ,
 «NORMA» gazetaları birlashgan tahririyati» МЧЖ
 директори.

ДИҚҚАТ, ОБУНА!


«NORMA» gazetaları birlashgan tahririyati» «Солиқ ва божхона хабарлари» + «Норма маслаҳатчи» газеталари комплектига 2014 йил учун обуна кампаниясини давом эттириб, муштарийларга

ОФИСДАН ЧИҚМАСДАН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ишончли маслаҳатчингиз бўлиши газеталарга қуйидаги оммавий офертдан фойдаланиб, чегирмали нархда обуна бўлишингиз мумкин.

Сентябрь-октябрь ойларида газеталарнинг йиллик комплектига обуна бўлган обуначи қуйидаги совғаларни олиш имкониятига эга бўлади:

- «Norma» компанияларининг ахборот дастурларидан фойдаланиш имконияти:
 - «Электрон газета–2014»: у «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» газеталарининг электрон версиясини ҳамда 2014 йил учун газета материалларининг мавзулар бўйича тизимлаштирилган тўплами – «Моҳир таҳлам» ва «Умная подшивка»ни ўз ичига олади (фақат «СБХ» + «Норма маслаҳатчи» ва/ёки «НТВ» + «Норма» газеталарининг босма комплекти обуначилари учун);
 - norma.uz** корпоратив сайтида долзарб мавзулардаги «жонли» мунозараларда иштирок этиш имконияти.
 - Китоб маҳсулотларига бонуслар:
 - Йил давомида ўқувчилар учун фойдали ахборотлари бўлган совғабон рисоалар.
 - «NORMA» нашриёти китобларига 5%дан 30%гача чегирма.
 - «Gorod Skidok» дисконт дастурининг маҳсулотлари:
 - «Restoran.uz», «NORMАльная карта» дисконт карталари 2014 йил мобайнида дисконт дастури бўйича ҳамкор ташкилотларда, кафе ва рестороанларда улар хизматидан фойдаланишда, улардан иш, рўзғор ва оила учун зарур кенг турдаги товарларни харид қилишда 3%дан 30%гача чегирмаларга эга бўлиш имконини беради.
 - «Дисконтбук». Бу дафтарчадаги қирқиб олинувчи чегирмали купон тақдим этилганда, дисконт дастурининг ҳамкори бўлиши ташкилотлар иш, рўзғор ва оила учун зарур бўлган ўз маҳсулотлари ва хизматлари учун тўлов қабул қилганда 5%дан 30%гача чегирма тақдим этадилар.



ма (битта ўрин).

- Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби, ТИФ, кадрлар масаласи ва бошқа соҳалар бўйича «NORMA» компаниясининг етакчи экспертлари ва таклиф этилган мутахассисларнинг семинарларида қатнашиш имконияти (2 та семинарда).

5. «БЕВОСИТА МУЛОҚОТ» хизмати:

- «Электрон газета–2014» ўрнатиладиган дастур интерфейси орқали экспертларимизга бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш ва бизнес ишини юритишнинг ҳуқуқий асосларига доир масалалар бўйича саволлар билан мурожаат қилиш имконияти (чорақда бир марта).

Бевосита мулоқот хизмати экспертларининг бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш ва бизнес ишини юритишнинг ҳуқуқий асосларига доир масалалар бўйича (8-371) 200-00-59 бевосита мулоқот телефони орқали бепул маслаҳатлари.

- norma.uz** корпоратив сайти орқали online-маслаҳатлар.
- Экспертларга анъанавий тарзда почта орқали ёки **gazeta@norma.uz**, **ntv@norma.uz**, **sbxaxbor@mail.ru** электрон почталарига хат юбориш орқали тахририят экспертларига савол бериш имконияти.



6. «top» реклама журнали ва радио орқали ўз раҳбарингиз ёки бош бухгалтерингизни таваллуд кунлари билан қутлаш имконияти.



Бундан ташқари, қуйидагиларни эркин тарзда кўчириб олиб, ўз компьютерингизга ўрнатиш имконияти тақдим этилади:

- ur.uz** сайтидан «YELLOW PAGES Uzbekistan»–2013/2014 электрон маълумотномасини.
- tg.uz** сайтидан «Мой город. Ташкент» электрон бизнес-картасини.

Кўшимча маълумотларни (8-371) 200-00-30 телефони ва **norma.uz** сайтидан олиш мумкин.

«НОРМА» газеталари bitlashgan korporatsiya MCHJ ommaviy ofertmasiga
 ИЛОВА
 БЮРОТМАНОМА-АКЦЕПТ
 2013 йил «___» _____

(Обрўннинг маъносини аниқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиб, электроник асосда шартнома-акцептнинг мазмунини аниқлаш ва тасдиқлаш)

(Қўшимча шартнома, ушбу шартнома ва б. шартнома)

(Обрўнни қабул қилган вақтинчалик Ф.И.Ш. (тўғри), унинг манзили)

ТИМОСЛИҚ

асосда амал қилувчи

«Норма маслаҳатчи» газетасининг 2013 йил 1 октябрдаги 39 (428)-сонига эълон қилинган оммавий офертга шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилади ҳамда 2014 йил учун қуйидаги наشريларга обуна бўлади:

Индекс	Наширнинг номи	2014 йил учун ҳисоб-маълумот нархи (сўм), энгизиб бериш билан	Нусхалар миқдори (донн)	Умумий сўм, сўм
186	«Солиқ ва боғхона хабарлари» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти (йил-лига 52 сон)	396 240		
165	«Налоговые и таможенные вести» ва «Норма» газеталари комплекти (йилга 52 сон) + «тор» реклама журнали (йилга 52 сон)	403 260		
172	«Налоговые и таможенные вести» ва «Норма» газеталари комплекти (йилга 52 сон)	397 800		
844	«тор» реклама журнали (йилга 52 сон)	28 600		
4186-4165	«Солиқ ва боғхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи», «Налоговые и таможенные вести» ва «Норма» газеталарининг электрон версиялари комплекти тезкор қилинув дастурий таъминоти, солиқ консултантларига хаволалар билан бирга (чинқарил даярий-лиги – Обуначи томонидан Интернет тармоқидан портал.uz сайти орқали хар хабарга 1 марта кўчириб олиш)	302 640*		

*Фақат тўлиқ обрўн.

2. Тўлаш учун умумий сўмма (ҚҚСсиз) _____

(обрўнлар ва ёрм билан бўриштирилади)

сўмни ташкил қилади.

3. Етказиб бериш учун манзил (босма харфлар билан аниқ қилиб тўйдирилди):

минтқа/вилоят _____

шаҳар/туман _____

(обрўн, қимлик, сўм, дата, манзил, й.к.м.хон)

4. Ўзгариш учун телефон: _____
 5. Алоқа боғловчи шахс: _____

(Ф.И.Ш.)

ОБУНАЧИ РЕКВИЗИТЛАРИ:

СТИР _____
 ХХТУТ _____
 Почта манзили _____
 Телефон _____
 Факс _____
 Х/р _____
 Хизмат кўрсатувчи банк _____
 Банк коди _____

(обуначига мансуб бўлган шартнома, шартнома-акцептнинг мазмунини аниқлаш ва тасдиқлаш билан харфлар)

М.У.

ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*
 Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
 Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Картрижларни тўлдирish. Uz-KART, ОН-ЛАЙН терминаллар жойига чиқиш билан.
 Тел.: 235-19-91, 171-99-28, 162-34-55. www.likan.uz

Кимёвий тозалаш: ковроланлар, гиламлар, юмшоқ мебель ва автомобиль салонини кимёвий тозалаш.
 Тел.: (+99893) 520-77-70, (+99894) 659-50-07.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун хужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда.
 Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

БИЗНИНГ МАСЛАХАТЛАР

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКДАН СОЛИҚ ТЎЛАЙМИЗМИ?

Менга отамдан қишлоқ хўжалигидаги ерлар, яъни ёрдамчи хўжалик ва молхона бинолари мерос сифатида ўтган ва бу бўйича кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан қишлоқ хўжалиги ер майдонлари учун О'У серияли 507427 рақамли, ёрдамчи хўжалик бинолари учун ТА серияли 1497254 рақамли гувоҳномалар берилган.

Ўзим 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахс ҳисобланаман (туман Ҳарбий комиссариати томонидан берилган имтиёзга эгалик тўғрисидаги гувоҳнома бор), шунингдек, менга мерос сифатида ўтган мулкдан четдан ишчи ёлламасдан, тадбиркорликнинг бирор турини амалга оширмасдан, мулкни бошқа шахсга ижарага бермасдан, фақат оилам ва фарзандларим билан биргаликда шахсий қўшимча томорқа ва хўжалик шаклида деҳқончилик ва чорвачилик ишларини амалга ошириб келмоқдамиз.

Солиқ кодексининг 275-моддаси 2-банди ҳамда 290-моддаси 3-бандига асосан мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича белгиланган имтиёزلардан фойдаланишим мумкинми, мабодо менга имтиёзлар қўлланилмаган тақдирда, Солиқ кодексининг қайси моддаси ёки қайси қонуности хужжатларига асосан қўлланилмаслигини тушунтириб берсангиз.

Қ.Эльгазаров,

Хоразм вилоятининг Кўшкўпир тумани.

– Солиқ кодексининг (СК) 275-моддаси биринчи қисми 2-бандига биноан 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда доираси қонун хужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахсларга жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар бўйича имтиёз берилганлиги, мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчисининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади. Бироқ ушбу моддада назарда тутилган имтиёзлар жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ёхуд юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган солиқ солиш объектларига нисбатан қўлланилмаслиги белгиланган.

Мерос бўйича, ҳады қилиниши ёки олинishi натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари жисмоний шахслардан олинандиган ер солиғи бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланади (СК 288-моддаси биринчи қисмининг

5-банди). 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда доираси қонун хужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахсларга жисмоний шахслардан олинандиган ер солиғи бўйича имтиёз берилганлиги, мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчисининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади. Бироқ ушбу моддада назарда тутилган имтиёзлар жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ёхуд юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган солиқ солиш объектларига нисбатан қўлланилмаслиги белгиланган.

Шундай экан, сиз уруш қатнашчиларига тенглаштирилганлигиниз учун отангиздан мерос сифатида ўтган ёрдамчи хўжалик учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамда жисмоний шахслардан олинандиган ер солиғи бўйича имтиёз сизга нисбатан татбиқ этилади. Бунда шуни унутмаслик кераки, агарда сиз ушбу ёрдамчи хўжалиқдан тадбиркорлик фаолияти учун фойдалансангиз, уни юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага берсангиз, у ҳолда ушбу имтиёзлардан фойдалана олмайсиз.

Жавобни экспертизимиз Умидбек САҒАРОВ тайёрлади.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ
 ХУҚУҚ
 СОЛИҚЛАР
 БУХГАЛТЕРИЯ

ТАБСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
 агентлигида рўйхатга олинди.
 Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУХАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
 ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
 100105, Тошкент ш.,
 Миробод тумани,
 Таллимаржон кўч., 1/1,
 Таҳририят тел. 283-44-27
 Обуна бўлими тел. 200-00-30
 E-mail: gazeta@norma.uz,
 normapress@mail.ru,
 www.norma.uz
 Нашр учун масъул:
 Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келмавермайди.
 Таҳририят муштарилар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
 «Норма маслаҳатчида» эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга **фақат «Норма» газеталари бирлашган таҳририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.**

Газета нашр – «Norma» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди
 (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
 Индекс – 186 Бюролма 1183 Агади 2140. Баҳоси келишилган нархда
 Газета А3 ҳажмида, 2 шартли босма табақда чоп этилди.

Газета 2013 йил 30 сентябрда соат 18.30 да топширилди. ISSN 2010-5223